



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2019 йил 1 январь, № 1 (7231)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар! Мухтарам дўстлар! Мана шу ҳаяжонли, файзли дамларда жонажон Ўзбекистонимизга 2019 йил кириб келмоқда.

Сиз, азизларни, кўп миллатли халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга улуғ бойлик бўлган оилавий бахт ва саломатлик тилайман.

Азиз юртдошлар! 2018 йилда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Замонавий корхоналар, уй-жойлар, йўллар, кўприклар қурилди. Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик янада кучаймоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш учун салмоқли ишлар қилинди.

Бунинг натижасини бугун ҳар бир инсон ва оила, ҳар бир жамоа ўз мисолида кўрмоқда. Энг муҳими,



одамларимизнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтаётган йил мамлакатимиз

тарихида ёрқин из қолдирган йил бўлди.

Шу боис эски йилимизни шукроналик ва розилик билан кузатмоқдамиз.

Хурматли дўстлар! Биз 2019 йилга **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**, деб ном бердик.

Фаол инвестициялар тараққиёт учун чексиз имкониятлар эшигини очди.

Ижтимоий ривожланиш эса халқимиз турмуш даражаси ва сифатини кескин оширишга хизмат қилади.

Биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Халқ билан мулоқотни юқори босқичга олиб чиқамиз.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирамиз.

Диёримизни янада обод ва кўркам қилиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Эҳтиёжманд оилалар ва

ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилишга, аҳоли даромадларини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Мухтарам фахрийлар, опа-сингилларимиз ва ёшларимизга ғамхўрлик кўрсатиш доимо диққатимиз марказида бўлади.

Ушбу файзли оқшомда барча давлат ва халқларга, хорижий дўстларимиз, ҳамкорларимизга эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Азизларим, кадрдонларим! Халқимизнинг барча орзуниятлари ушалсин!

Фарзандларимиз, набира-ларимизнинг бахту қамолини кўрайлик! Гўзал ва бетакорор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб, баррикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

2019 йилнинг қадами қутлуг келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2019 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.

Куйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби — **Антониу Гутерриш**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбаев**

Туркменистон Президенти — **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Эмомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Сооронбай Жээнбеков**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**

Япония Бош вазири — **Синдзо Абэ**

Европа Кенгаши Раиси — **Дональд Туск**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Франк-Вальтер Штайнмайер**

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери — **Ангела Меркель**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири — **Тереза Мэй**

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцянь**

Россия Федерацияси Ҳукумати раиси — **Дмитрий Медведев**

Исроил Давлати Бош вазири — **Биньямин Нетаньяху**

Афғонистон Ислому Республикаси Президенти — **Ашраф Гани**

Эрон Ислому Республикаси Президенти — **Ҳасан Рухоний**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — **шаих Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Қувайт Давлати Амири — **шаих Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Иордания Қироли — **Абдулла II ибн Ҳусайн ал-Ҳошимий**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **шаих Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қироллиги кучлари Бош қўмондониди ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди — **шаих Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Дания Қироличаси — **Маргрет II**

Норвегия Қироли — **Ҳаральд V**

Польша Республикаси Президенти — **Анжей Дуда**

Венгрия Президенти — **Янош Адер**

Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Вейонис**

Ирландия Президенти — **Майкл Хиггинс**

Канада Генерал-губернатори — **Жюли Пейетт**

Янги Зеландия Генерал-губернатори — **Пэтси Редди**

Венгрия Бош вазири — **Виктор Орбан**

Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — **Ижрочи котиби — Сергей Лебедев**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси — **Валентина Матвиенко**

Москва ва Бутун Рус Патриархи — **Кирилл**

БМТ Бош қотибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари — **Наталья Герман**

НАТО Бош котиби — **Йенс Столтенберг**

Кутловлар келиши давом этмоқда.

Қисқа

сатрларда

● Бухоро вилояти мусикали драма театрида бўлиб ўтган "Президент арчаси" тантаналарида 268 нафар болага ўқув кўрсаткичи ва ширинликлардан иборат Президент совғалари топширилди. Шунингдек, жойларда 544 нафар болага ҳам давлатимиз раҳбарининг Янги йил байрами совғалари улашилди.

● Урганч шаҳрида ташкил этилган қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг аънаваний савдо ярмаркасида кунига 2 тоннага яқин қорамол ва 2 тонна парранда гўшти, 5 тонна балик, 25 минг дона тухум, 20 тонна гуруч, 30 тоннага яқин мева-сабзавот ва полима маҳсулотлари савдо пештахталарига чиқариляпти. Қувонарлиси, "Хизмат — беминнат" павильонларида 30 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига арзон нархларда тақдир қилинмоқда.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида болажонлар учун "Янги йил совғаси" деб номланган театрлаштирилган концерт намоиши бўлмоқда. Нуқус шаҳри марказида қад ростлаган кўркам арча атрофида ҳам байрам тадбирлари давом этапти.

● Кармана тумани тиббиёт бирлашмасининг 90 ўринли, уч қаватли шошилч тиббий ёрдам бўлими очилди. Тез тиббий ёрдам, диагностика, жарроҳлик ва травматология бўлими ҳамда замонавий рентген ҳамда лаборатория таҳлиллари жойлаштирилган мазкур мажмуада бир йўла 90 нафар бемор стационар тартибда даволашни мумкин.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ташқи сиёсат

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТМОҚДА

Минтақамизда сиёсий вазиятни соғломлаштириш жараёни бундан икки йил аввал бошланди. Бу Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари билан боғлиқ. Нафақат мамлакат миқёсидаги ислохотлар, балки Марказий Осиё ва умумжаҳонга тааллуқли долзарб тақлифлар хорижий ОАВ, таниқли сиёсатшунослар, экспертлар томонидан ижобий жараён сифатида баҳоланмоқда. Якунига етган 2018 йил Ўзбекистон ташқи сиёсатида бир қанча муҳим масалаларни илгари суриш ва уни татбиқ этиш, барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш нуктаи назаридан ёрқин из қолдирди.

Президент ва дипломатларнинг очик мулоқоти

2018 йилнинг 11 январида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон дипломатик ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Ушбу учрашув Ташқи ишлар вазирлиги ҳаётида тарихий аҳамиятга эга тадбир бўлди. Чунки давлатимиз раҳбари мустақиллик даврида илк бор мамлакатимиз дипломатлари билан учрашиб, очик мулоқот қилди ва фикр алмашди.

Учрашувда Ташқи ишлар вазирлиги га мамлакат ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш бўйича аниқ вазифалар юклатилди. Иқтисодий дипломатияни кучайтириш энг асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бунда мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни

янги технологиялар ва инновацион дастурларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасидаги ишларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳуқуқий асос имкониятларни кенгайтди

Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари олдига қўйилган ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Президентнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар

Ҳаётбахш одимлар

2018 йилда давлат раҳбарлари даражасида 21 ташриф, шу жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг хорижий мамлакатларга 13 та ташрифи (2 та давлат ташрифи — Тожикистон ва Ҳиндистонга, 2 та расмий ташриф — АҚШ ва Францияга, 9 та амалий ташриф — кўп томонлама тадбирларда иштирок этиш учун) амалга оширилди. Ўзбекистонга 8 та давлат (Афғонистон, Беларусь, Миср, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия) раҳбарлари ташриф буюрди.

Ушбу ташрифларнинг натижадорлиги ҳамда тарихий аҳамияти халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди ва юқори баҳоланди.

Ён қўшни — жон қўшни

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимиз ташқи сиё-

сатининг устувор йўналиши саналган яқин қўшниларга нисбатан очик ва конструктив сиёсат олиб бориш, Марказий Осиёдаги муаммоларни тенглик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш ҳамда оқилона келишув асосида ҳал этишга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларида ўтиш ҳамда чегараолди ҳудудларда савдонинг ривожлантириш каби жуда мураккаб ва чалқаш масалалар бўйича ўзаро манфаатли ечимлар топилди. Натижада Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада кучайди. Хусусан, 2018 йилда қўшни давлатлар билан савдо айланмаси 50 фоиздан зиёд ўсди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган очик ва прагматик сиёсат қисқа вақт ичида Марказий Осиёда бутунлай янги, соғлом муҳит, дўстона вазият ҳамда мамлакатимиз ва минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шартроитлар яратди. Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашуви бўлиб ўтди.



Президент арчаси

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИДА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

... "Туркистон" саройи. Фойе турфаранг шарлар, зарлар билан безатилган. Камалакранг чироқлар, ўйинчоқлар илинган кўркам арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари болажонларни ўйинга чорлайди. Мурғак қалбларнинг кўзлари қувончдан порлаб, юзларига табассум югуради.

лар бўйича ўринбосари Хурсаной Холова. — Шу боис улар мазкур айёмни ўзгача кайфият билан қарши олишди. Давлатимиз раҳбари томонидан юборилган совғасаломлар тарбияланувчиларимизга олам-олам қувонч улашади.

Дарҳақиқат, юртимизда келажагимиз ворисларининг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб камол топиши, бахтли яшashi учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Президент арчаси" тантана-

лари ҳам ана шу эъзозу эътиборнинг ёрқин ифодасидир. "Томоша" болалар ижодий студиясининг кичкинтойлари иштирокида "Орзу қил!" номи махсус театрлаштирилган байрам дастури намоиш қилинди. Таниқли хонандалар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар, цирк усталарининг чиқишлари, ақли чарқловчи турли ўйинлар, тез айтишлару топишмоқлар байрамга янада жўшқинлик бағишлади. Турли эртак қаҳрамонлари болажонларни эртакларнинг сирли оламига етаклади. Дастур давомида болаларга Президент совғалари топширилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг барча ҳудудида кўтаринкилик билан ўтказилган "Президент арчаси" байрам тадбирларида қарий 11 минг нафарга яқин болажонларга Янги йил совғалари тақдим этилди.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

НИЯТИ УЛУҒ ХАЛҚНИНГ — ИШИ ҲАМ УЛУҒ,

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ —

2018 ЙИЛДА

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТМОҚДА

Қардошлик ришталари

Президентимизнинг Тожикистонга илк давлат ташрифи (9-10 март) давомида стратегик характерга эга "Дўстлик ва яхши кўшничликни мустаҳкамлаш тўғрисида"ги Қўшма баёнот ҳамда "Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасининг айрим ҳудудлари ҳақида"ги шартнома имзоланди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи (23-24 апрель) чоғида томонлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга ҳамда Европа, Яқин Шарқ ва Осиё давлатларига юк ташвиш хажмини кўпайтириш учун икки мамлакат транзит салоҳиятини тўлиқ фойдаланишига келишиб олди.

Икки томонлама ҳамкорликни сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида янада мустаҳкамлашга ҳамда ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга доир 17 та ҳужжат имзоланди. 2020 йилга бориб ўзаро товар айирбошлаш хажмини 500 миллион долларгача етказиш кўзда тутилган.

Ташаббуслар қўллаб-қувватланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислom ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар сезиларли даражада кучайди. 2018 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланган ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ташаббусларини илгари суриш ва амалга ошириш бўйича муайян ишлар бажарилди. 2018 йилда Ўзбекистоннинг 10 та муҳим халқаро ташаббуси тўлиқ амалга оширилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" (22 июнь) ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" (12 декабрь) резолюцияларининг қабул қилинишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи Маслаҳатлашув учрашуви Остона шаҳрида ўтказилди. Ушбу форматдаги иккинчи учрашув жорий йилнинг апрелида Тошкентда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ўтказилган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси ва давлат раҳбари илгари сурган Афғонистон можаросини ҳал этиш ва уни минтақавий иқтисодий лойиҳаларга жалб қилиш бўйича таклифлари кенг миқёсда халқаро эътирофга сазовор бўлди.

Ўтган йилнинг 6 — 10 сентябрь кунлари Шаҳрисабзда 70 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари иштирокида биринчи Мақом санъати халқаро форуми бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонларининг фикрича, ушбу анжуман жаҳон маданиятининг мулкига айланган ноёб ўзбек миллий макомини сақлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Циндаода (9 июнь) бўлиб ўтган навбатдаги саммитида Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ, ШХТГА аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма муурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Харажатлар дастури қабул қилинди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши Ўзбекистон Республикаси вакили — В. Норовни ШХТНинг Бош котиби этиб сайлади.

27 ноябрда БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолияти бошланди.

шига бағишланган юқори даражадаги тадбир бўлиб ўтди. Фонднинг асосий вазифаси Ўзбекистон, БМТ ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, техник-молиявий ресурсларни сафарбар этиш, минтақага инновацион технологияларни жалб қилиш орқали Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

2018 йилнинг ноябрида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилди. Форум жаҳон ҳамжамияти томонидан Инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини юксалтиришга, манфаатлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик глобал воқеа сифатида эътироф этилди.

11 декабрда Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти "Диний эркиликни тизимли, давомий ва жиддий равишда бузишда иштирок этувчи мамлакатлар рўйхати"дан Ўзбекистонни чиқарганини эълон қилди. Бу қарор мамлакатимизда амалга оширилган чўқур ислохотларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишининг муҳим далилидир.

Инвестиция, экспорт ва сайёҳлик

2018 йилда миллий маҳсулотларимиз экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш, сайёҳлик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу йилда 2,7 миллиард доллар (2017 йилда 2,49 миллиард) миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. 61 янги лойиҳа доирасида, жами 1,6 миллиард долларлик қўшма корхоналар ташкил этилди ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ривожлантириш бошланди. Умуман, 2018 йил мобайнида 1400 га яқин янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилди.

Мамлакатга сайёҳлик оқимини кўпайтириш мақсадида кўп ишлар олиб борилди. 2018 йилда Ўзбекистонга 4 миллионга яқин хорижий фуқаролар ташриф буюрди (2017 йилдагига нисбатан 107 фоиз ошди).

Хорижий сайёҳларни мамлакатга жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. 9 та давлат фуқаролари учун 30 кун муддатгача визасиз режим, 39 та мамлакат фуқароларига виза беришининг соддалаштирилган тартиби ўрнатилди. Аэропортларда 72 соатлик транзит визалари берилмоқда ва хорижда электрон визалар бериш тизими жорий этилди.

Ватандошлар Ўзбекистон равақига хизмат қилмоқда

Вазирлик ва дипломатия миссияларимиз фаолиятида ватандошлар билан мулоқот ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ташқи ишлар вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Президентимизнинг 2018 йил 25 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси"ни ишлаб чиқди.

Мазкур ҳужжат ватандошларимизнинг мамлакатимизда касбий фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратишга, шунингдек, уларнинг салоҳиятларини Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлашга жалб қилишга қаратилган. Бундан ташқари, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар билан интерактив мулоқот механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга таътиб қилинди. 2018 йилда 160 дан ортиқ тадбирлар (видеоконференциялар, брифинглар, тақдиротлар) ва ватандошлар билан учрашувлар ўтказилди.

Чет элларда Ўзбекистон фуқароларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича хориждаги консуллик муассасаларининг фаолияти кучайтирилди. Санкт-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Владивосток ва Олмаота шаҳарларида бош консулхоналар очилди. Ростов-Дон (Россия), Ақтау (Қозғистон), Гуанчжоу (Хитой) ва Уш (Қирғизистон) шаҳарларида бош консулхоналар очиб борасида ишлар давом этмоқда.

Хулоса ўрнида

2018 йилда ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида муҳим ташқи сиёсий тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг хорижий шериклари билан ўзаро фойдали муносабатларини ривожлантириш, миллий манфаатларини самарали ҳимоя қилишга ва йирик халқаро ташаббусларини амалга оширишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Infographic summary of President's address in 2018. Key points: 21 trillion soums and 1 billion dollars in state budget; 2 trillion soums in foreign investment; 5.5 trillion soums in foreign trade; 3 trillion soums in housing construction; 18 international treaties signed; 52 billion dollar trade agreements; 8.5 billion dollar investment; 3 million 205 tax payers; 2019 trade agreement with Azerbaijan.

Эътироф

Озарбайжон — Ўзбекистон:

2019 йилда ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар Жанубий Кавказ ҳамда Марказий Осиёда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган мамлакатларимиз позицияларини янада мустаҳкамлашни тезлаштирди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар жadal ривожланиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг яқин ва ишончли мулоқоти мамлакатлараро муносабатларни ана шундай юқори даражага олиб чиқишда муҳим омилга айланди.

Иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама алоқаларда катта аҳамият касб этади. Биз бу йўналишда сезиларли ўсишга эришдик. Ўзбекистонда Озарбайжон капитали иштирокида 84 та корхона фаолият юритмоқда. Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Озарбайжон бизнес форуми ва кооперация биржаси ишбилармонлик доиралари фаоллашувига қўшимча туртки бўлди. Форум доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Озарбайжон Республикаси миллий ишбилармонлар конфедерацияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим имзоланди.

Мамлакатларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳам кенгайиб бораётди. Октябрь ойида Тошкентда икки ишлар вазирлари биринчи ўринбосарлари раислигида Ўзбекистон ва Озарбайжон ИИВ иши гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Озарбайжон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида 2019-2020 йилларда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш тўғрисида ўзаро ҳамкорлик қилишга оид протокол имзоланди.

Тошкентда МДХ иштирокчи давлатлари мудофаа вазирлари Кенгашининг 75-мажлисида Ўзбекистон мудофаа вазирлиги ҳамда Озарбайжон мудофаа вазирлиги Закир Гасанов ўртасида икки томонлама учрашув ҳам бўлиб ўтди. Яқинда мудофаа ва ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш йўналишида белгилаб олинди. Ҳарбий-техник йўналишдаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон мудофаа идоралари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик қилиш бўйича 2019 йил учун икки томонлама режалар ишлаб чиқилди.

Туризм соҳасида ҳам муносабатлар изчил раванг топапти. 2018 йилнинг 30 июнь кунин Озарбайжон ҳаво йўллари (AZAL) томонидан қабул қилинди.

Учрашув давомида томонлар Миср ва Ўзбекистонда муқаддас ислом динининг бағрикенглик тамойиллари, маърифат улашишдаги ролини тарғиб қилиш, унинг инсонпарварлик моҳияти, диний ҳамда маънавий меросини ўрганиш, турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар қилинаётганини таъкидлади.

Янги йил муносабати билан ўзбек халқи ва унинг раҳбариятига энг яхши тилақларимиз ва самимий табриқларимизни йўллаймиз. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, янада тараққий топишига тилақдошман.

Озарбайжон ва Озарбайжон ИИВ иши гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Озарбайжон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида 2019-2020 йилларда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш тўғрисида ўзаро ҳамкорлик қилишга оид протокол имзоланди.

Тошкентда МДХ иштирокчи давлатлари мудофаа вазирлари Кенгашининг 75-мажлисида Ўзбекистон мудофаа вазирлиги ҳамда Озарбайжон мудофаа вазирлиги Закир Гасанов ўртасида икки томонлама учрашув ҳам бўлиб ўтди. Яқинда мудофаа ва ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш йўналишида белгилаб олинди. Ҳарбий-техник йўналишдаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон мудофаа идоралари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик қилиш бўйича 2019 йил учун икки томонлама режалар ишлаб чиқилди.

Туризм соҳасида ҳам муносабатлар изчил раванг топапти. 2018 йилнинг 30 июнь кунин Озарбайжон ҳаво йўллари (AZAL) томонидан қабул қилинди.

Учрашув давомида томонлар Миср ва Ўзбекистонда муқаддас ислом динининг бағрикенглик тамойиллари, маърифат улашишдаги ролини тарғиб қилиш, унинг инсонпарварлик моҳияти, диний ҳамда маънавий меросини ўрганиш, турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар қилинаётганини таъкидлади.

Янги йил муносабати билан ўзбек халқи ва унинг раҳбариятига энг яхши тилақларимиз ва самимий табриқларимизни йўллаймиз. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, янада тараққий топишига тилақдошман.

Амани ЭЛЕПР, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.



Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Яқунланган йилда жаҳоннинг етакчи давлатлари билан ҳам ўзаро манфаатли алоқалар сезиларли даражада жadalлашди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифлари ва хорижий раҳбарлар билан музокаралари натижасида Россия, Беларусь, АКШ, Хитой, Франция ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Миср ҳамда Осиё — Тинч океани минтақаси ва Яқин Шарқ давлатлари билан стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

● Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғуннинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида (29 апрель — 1 май) Олий даражадаги Ўзбек — турк стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил этилди. Томонлар яқин йилларда ўзаро товар айирбошлаш хажмини 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олди.

● Президент Шавкат Мирзиёевнинг АКШга расмий ташрифи (15-16 май) Ўзбекистон — Америка стратегик ҳамкорлигини ривожлантиришга кучли туртки берди. Тарихий ташриф давомида савдо, таълим, фан, кишлoқ ҳўжалиги, энергетика ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Икки мамлакат компаниялари қиймати 4,8 миллиард долларлик 20 дан ортиқ йирик шартномалар бўйича келишиб олди.

● Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Халил ас-Сиси 4-5 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Мамлакатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, кишлoқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандумлари, таълим, туризм, археология, маданий мерос ва музейшўнослик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингарии жами 12 та ҳўжат имзоланди.

● Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида (12 — 14 сентябрь) 19 та келишув ва умумий қиймати 263 миллион долларлик 56 та савдо шартномаси имзоланди.

● Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи давомида (30 сентябрь — 1 октябрь) 20 дан зиёд ҳўкуматлараро ҳўжатлар ва қиймати 3 миллиард 200 миллион долларлик шартномалар имзоланди.

● Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи (8-9 октябрь) Ўзбекистон раҳбарининг Европа Иттифоқи давлатларига қилган биринчи расмий сафари бўлди. Ташриф якунида 10 та ҳўкуматлараро шартномалар ва умумий қиймати 5 миллиард еврога тенг бўлган инвестициявий лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга амалга оширган давлат ташрифи (19-20 октябрь) давомида ўтказилган муҳокамалар якунида бўйича ядро энергетикаси ва космос соҳаларидаги ҳамкорликни ўз ичига олган турли йўналишларда умумий қиймати 26 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича 20 та ҳўкуматлараро ҳўжат имзоланди.

Умуман олганда, 2018 йил мобайнида 30 дан ортиқ давлатлар ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан олий даражадаги музокаралар олиб борилди, 180 та икки томонлама шартнома ҳамда келишувлар тузилди. Шунингдек, ҳўкумат, вазирлик, идоралар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари даражасидаги 360 та ташриф амалга оширилди.

ҲАЁТИ ЁРУҒ ВА КЕЛАЖАГИ ФАРОВОН БЎЛАДИ.

РАҚАМЛАРДА

2019 ЙИЛДА

Барча манбалар ҳисобидан қарийб **138 триллион сўмлик** ёки 2018 йилдагига нисбатан **16 фоиз кўп** инвестициялар ўзлаштирилиши мўлжалланмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2018 йилдагига нисбатан қарийб **1,5 баробар** оширилиши ҳисобига **142 та** замонавий корхона ишга туширилади.

Давлат бюджети дефицити **4,5 триллион сўм** атрофида бўлиши ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан **1,1 фоиз** бўлиши режалаштирилмоқда.

Экспорт ҳажмини **30 фоиз** ошириб, **18 миллиард** долларга етказиш мақсад қилинган.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси учун **4 триллион сўмдан** зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Кластер усулида пахта етиштиришни камида **52 фоизга** етказиш учун **48 та** пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мақтабгача таълим билан қамраб олиш даражаси **34 фоиздан 44 фоизга** етказилади.

Мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини **20 фоизга** етказиш режалаштирилган.

Турмуш шароити оғир бўлган **1 минг 600 нафар** хотин-қизни имтиёзли кредитлар асосида арзон уй-жойлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ҳозирги **65 фоиздан 75 фоизга** етказилади.

Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши **35 фоиздан 37 фоизга** ортиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига навбатдаги сайловлар ўтказилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси парламент аъзолари, кенг жамоатчилик ҳамда турли соҳа вакиллари томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди.

Муносабат

Илғор ёндашув ва малакали мутахассислар керак

Президентимиз Мурожаатномасини диққат билан тингладик. 2018 йил мобайнида Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлар ҳаммамизда юксак гуруҳ уйғотади. Шу билан бирга, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳозир кўракка уриб мақтаниш даври эмас. Биз олдимизда турган ишлар ҳақида чуқур ўйлашимиз керак.

Ҳозирги даврда олдимизда турган масалалар юқори малакани, чуқур билимни, янгича ёндашув ва дунёқарашни талаб этади. Биринчи навбатда, минтақамизда, Ўзбекистоннинг теварак-атрофида тинчлик, барқарорлик ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим

бўлган муҳитни вужудга келтириш керак. Бу, албатта, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалар билан боғлиқ бўлган фаолиятга бевосита дахлдор. 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинди. Бу ниҳоятда муҳим. Давлатимиз раҳбари айтган

нидек, бугунги кунда инвестициялар иқтисодиётнинг юрагидир. Шу сабабли айни пайтда дунёда инвестицияларни жалб этиш учун аёвсиз рақобат мавжуд. Бу рақобатда муваффақиятга эришишимиз учун нафақат шиору даъватлар, балки янгича ёндашув, малакали мутахассислар, янгича дунёқараш керак.

Мурожаатномада экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу кескин ўзга-

риш. Бизда кўп йиллар мобайнида, асосан, импорт ўрнини босиш сиёсати олиб бориларди. Лекин киска даврда катта ютуқларга эришган Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби давлатларнинг муваффақияти айнан экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантиргани билан белгиланади.

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Раисининг биринчи ўринбосари.

Мамлакатимиз ҳарбий қудрати ошяпти

Сўнгги йилларда мамлакатимиз мудофаа тизимида кенг қамровли ўзгаришлар, ривожланишлар бўлди. Миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлик даражаси ортиб, хавфсизлигимизга раҳна соладиган ҳар қандай таҳдидларга қарши турадиган замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминланди.

Ўтган вақт давомида мудофаа соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мудофаа доктрина-

сининг қабул қилиниши, аввало, Қуролли Кучларимизнинг битта мақсад, яъни халқимизнинг тинчлиги учун хизмат қилади. Эндликда аскарларимиз чет давлатларда хизмат қилмайди, бошқа мамлакатларда ҳарбий базаларимиз курилишига йўл қўйилмайди. Буларнинг барчаси давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсат тарафдори эканидан далolat. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳарбий қудрати 68 фоиз ошди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Келгусида ҳарбий соҳадаги ислохотларни янада такомиллаштириш, ар-

миямизнинг жанговар шайлигини юксалтириш ва мудофаа саноатини янада кучайтириш, айниқса, кўшни давлатлар билан дўстлигимизни мустаҳкамлаб, чегаралар давлатимизнинг таъминлаш ишлари ривожлантирилади. Президентимизнинг Мурожаатномаси бу жараёнда муҳим дастуриламал вазифасини бажаради.

Раҳим ҲАКИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари кўмитаси раиси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Дўстлик» орденли
Навоий кон-металлургия
комбинатининг
кўп минг кишилик
жамоаси

Ўзбекистон халқини
Янги — 2019 йил
билан самимий муборакбод этади!

Ушбу йилда ҳам юртимиз
тинч, осмонимиз мусоффо,
халқимизнинг турмуши
янада фаровон бўлсин!

Янги йил хонадонларингизга
қўт-барака, бахт-саодат
олиб келсин!

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

Барча
юртдошларимизни
Янги — 2019 йил
билан қизгин
табриклаймиз!

Сизларга
мустаҳкам соғлиқ,
оилавий бахт,
тинчлик ва фаровонлик
тилаймиз.

ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, СИЗЛАРГА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА КҲЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

«Инсон манфаати»
Омонат муддати —
13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 19 %.

«Жонажон Ватан»
Омонат муддати —
7 ойдан 13 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 17 %.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

78-150-72-58, 78-150-93-39.
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ALOQABANK
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

«Алоқабанк» АТБ жамоаси мамлакатимиз аҳлини Янги йил байрами билан табриклайди!

2019 йилда барча эзгу тилақларингиз амалга ошишини тилайди.

Байрам муносабати билан «Алоқабанк» АТБ мижозларга мuddати 13 ва 25 ойгача бўлган **«АКТИВ»** номли омонат турини таклиф этади.

Фоиизи:
19% — 20%

Маблағларингизни самарали жамғаринг!

Хизматлар лицензияланган.

Мурожаат учун телефон:
71-230-77-77

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик тижорат банки жамоаси

Барча ватандошларимизни Янги — 2019 йил билан самимий муборакбод этади!

Фурсатдан фойдаланиб,
«Микрокредитбанк» АТБ «МКВ Mobile» мобил иловаси орқали йиллик **20% ми «Barqaror-online»** омонатини таклиф этади.

«МКВ Mobile» — замонавий, тезкор ва қулай!

www.mikrokreditbank.uz
mikrokreditbank.uz
t.me/mikrokreditbank
@mikrokreditbank

Тел.: 71-202-99-99.

Хизматлар лицензияланган.

Fido-biznes

«FIDO-BIZNES» компанияси азиз ҳамюртларимиз, ҳамкорларимиз ва ҳамкасбларимизни Янги — 2019 йил билан чин юракдан қутлайди! Барчангизга соғлиқ-саломатлик ва фаровонлик тилайди. Янги йил ҳаммамиз учун тинчлик-тотувлик, омад ҳамда бахт йили бўлсин!

Иновация

Кластернинг яна бир муҳим бўғини иш бошлади

Мирзаобод туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Бек кластер» қўшма корхонасининг замонавий пахта тозалаш заводи фаолият бошлади. Туркия технологияси асосидаги мазкур қайта ишлаш линиясининг афзаллиги шундаки, чигитга шикаст етказмасдан ва чиқит чиқармасдан хом ашёдан юқори сифатли тола олиш имконини беради.

Завод бир кеча-кундузда 300 тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Эътиборлиси, мазкур санат субъекти ва кластернинг пахта қабул қилиш пункти бир жойда жойлашган. Келгусида эса шу ҳудудда толани калава илға айлантириш ҳамда бошқа қайта ишлаш линияларидан иборат санат комплекси барпо қилиш мўлжалланган.

Сирдарё вилоятида яна битта пахта кластерини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Мазкур замонавий қишлоқ хўжалиги тизимини йўлга қўйиш учун Сингапурдаги «Индорама» компаниясининг 55 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестицияси киритилиши кутилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Миллий марказнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўлими етакчи мутахассиси Камилахон Олимовага отаси **Камалитдин Айдинович НАСРЕТДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» АЖ раҳбарияти «Ўзэлектртармоқ» УК бош муҳандиси Аброрхўжа Султоновга онаси, Ўзбекистон энергетикаси фахрийси **Дилбар ая СУЛТОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Набатчи — Ш. Гаффаров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.00 Топширилди — 20.30 1 2 3 4 5 6